

# КОГЛУМЕТ

## САЛОМАТЛИК ПОСБОНИ



**IMMUNMODULOVCHI**

**VIRUSLARGA  
QARSHI**

ab(Bio)om

**A.B.-BIOKOM**



# КОГЛУМЕТ

**ЮҚОРИ ФАОЛЛИККА ЭГА  
ИММУНОМОДУЛЛОВЧИ, ВИРУС ВА  
МИКРОБЛАРГА ҚАРШИ, ХАМДА  
АНТИПАРАЗИТАР ПРЕПАРАТ БЎЛИБ,  
УНИНГ ТАЪСИР МЕХАНИЗМИ  
ОРГАНИЗМНИНГ ТАБИЙ ҲИМОЯ  
ТИЗИМИНИ ТИКЛАШ ВА  
БАРҚАРОРЛИГИНИ ОРТИРИШГА  
ҚАРАТИЛГАНДИР**



**КОГЛУМЕТ** ҳаётий аҳамиятга эга бўлган кобальт микроэлементининг табиий биологик фаол моддалар - глутамин аминокислотаси ва витамин U билан ҳосил қилган гидроксокомплексидир.

## Қўллашга бўлган кўрсатмалар

Коглумет – иммунмодулловчи восита сифатида:

- Иккиламчи иммунтанқислик ҳолатлари: ўткир, сурункали ва қайталланувчи инфекциялар ва инфекция-яллиғланиш касалликлари;
- Тери касалликлари: псориаз, аллергодерматозлар, ўраб олувчи темиртки;
- Вирусли, бактериал ва замбуруғ этиологияли уrogenетал инфекциялар: уреомикоплазма этиологияли сурункали уретрит, кольпит ва микотик этиологияли сурункали эндоцервицит, бактериал вагиноз, хламидияли-бактериал этиологияли сурункали уретрит ва бошқалар

Коглумет – вирусга қарши (цитокин индукцияловчи) восита сифатида:

- Паразитар этиологияли касалликлар, токсоплазмоз, хламидиоз;
- сурункали В, С гепатитлар;
- ЦМВ;
- Герпес;
- ОИТ вируси билан инфекцияланиш ва ОИТС;
- Coronaviridae оиласи, шу жумладан SARS-CoV-2 билан боғлиқ вирусли касалликларда.

## Қўллаш усули ва дозалари

Ичга. Препарат касалликнинг нозологик шаклига кўра, монотерапия ёки мажмуавий даволаш таркибида, овқатдан 30-60 минут олдин буюрилади.

Иммунмодулловчи восита сифатида	Дозалаш	Даво курси
Иккиламчи иммунтанқислик ҳолатлари: ўткир, сурункали ва рецидивловчи инфекция ва инфекция-яллиғланиш касалликлари	кунига 1 таблеткадан 2 - 3 маҳал	10-15 кун
Тери касалликлари: псориаз, аллергодерматитлар, ўраб олувчи темиртки	кунига 1 таблеткадан 2 - 3 маҳал	14 кун
Вирус, бактериал ва замбуруғ табиатли уrogenетал инфекциялар: уреомикоплазма этиологияли сурункали уретрит, кольпит ва микотик этиологияли сурункали эндоцервицит, бактериал вагиноз, хламидия-бактериал этиологияли сурункали уретрит ва бошқалар		
Вирусларга қарши (цитокин индуцирловчи) восита сифатида	Дозалаш	Даво курси
Сурункали хужайра ички инфекцияларида (TORCH-инфекциялар): цитомегаловирус, герпес инфекция (оддий ва ўраб олувчи герпес), токсоплазмоз ва хламидиозда	кунига 1 таблеткадан 2-3 маҳал	бир ойгача *
Сурункали В ва С гепатитларида	кунига 1 таблеткадан 2-3 маҳал	икки ойгача *
ОИТ вируси билан инфекцияланишининг барча босқичларида қўлланилади. ОИТ вируси инфекциясининг бошланғич босқичларида коглумет монотерапия сифатида қўлланилади. Инсон ИТВ инфекциясининг авж олиб боровчи босқичларида, ҳамда «ОИТС/Туберкулез» ва «Туберкулез /ОИТС» шаклидаги микс-инфекцияларида АРВТ препаратларини коглумет билан биргаликда қўллаш керак	1 таблеткадан кунига 2 маҳал, йўлдош жигар, камқонлик ва туберкулез касалликларида эса 1 таблеткадан кунига 3 маҳал	давонинг давомийлиги 6 ойдан кам бўлмаслиги, даво курслари орасидаги муддат эса 3 ойдан ортмаслиги керак
Coronaviridae оиласи, шу жумладан SARS-CoV-2 билан боғлиқ вирусли касалликларда	2 таблеткадан кунига 3 марта. Зарур ҳолатларда дозалаш ошири- лиши мумкин: 4 таблеткадан кунига 2 марта.	15 кундан 30 кунгача

\* - Зарурияти туғилганда даволаш муддатлари узайтирилади ёки қўшимча даво курслари белгиланади. Даво курслари орасидаги муддат 1 ойдан ошмаслиги керак

## НОЖЎА ТАЪСИРЛАРИ

Препарат яхши ўзлаштирилади. Бирор бир салбий таъсири аниқланмаган

## Қўллашга мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препарат компонентларига бўлган юқори сезувчанлик

## Дориларнинг ўзаро таъсири

Коглуметнинг базис терапия препаратлари билан ўзаро номутаносиблик ҳолатлари аниқланмаган.

## КОГЛУМЕТНИНГ ИММУНОДУЛЛОВЧИ ҲОССАЛАРИ

● Коглумет юқори даражадаги иммунмодулловчи хусусиятга эга. Унинг таъсирида қисқа муддатда самарали иммун жавобига эришилади (1 расм).

● Препарат турли иммунопатологик ҳолатларда иммун ва қон тизимларининг барча ҳужайраларини шакллантирадиган ўзақ ҳужайраларининг пролиферациясига стимулловчи таъсир кўрсатади (2 расм).



1 расм. Коглуметнинг талоқдаги антитело яратувчи ҳужайралар (АЯХ) сонига таъсири



2 расм. Коглуметнинг ўзақ ҳужайралари пролиферациясига таъсири (КШБ - колония шакллантирувчи бирликлар)

● Коглумет аралаш иммун жавоби индуктори хусусиятларини намоён қилади: нисбатан енгил иммунтанқисликларда перепарат таъсирида ҳужайра иммунитетининг (Th1 тур) фаоллашуви, нисбатан оғирроқ иммунтанқисликларда эса иммунитетнинг гуморал турининг (Th2) нисбатан кучлироқ фаоллашуви кузатилади.

## КОГЛУМЕТНИНГ ПСОРИАЗДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

● Псориазнинг мажмуавий давосига Коглуметнинг киритилиши теридаги патологик жараёнларни қисқа муддатларда ва самарали тугаллашига олиб келади (3 ва 4 расмлар). Препарат таъсирида янги тошма элементларининг пайдо бўлиши, уларнинг периферик ўсиши ва қичиманинг зўрайиши давонинг дастлабки кунларидаёқ тўхтади.



3 расм. Бемор Х. 14 ёш. Псориазнинг пликчали шакли.

(а – даводан аввал; б – Коглумет иштирокида ўтказилган 10 кунлик комплекс даводан сўнг)



4 расм. Бемор С. 12 ёш. Вульгар псориаз. Прогрессирловчи босқич

(а – даводан аввал; б – Коглумет билан олиб борилган 10 кунлик комплекс даводан сўнг)

Препарат псориазнинг ривожланиши ва клиник кечишида катта аҳамият касб этадиган кўрсаткичларни, шу жумладан жигарнинг антиотоксик хоссаларини тўлиқ тиклайди ва иммун тизимини нормаллаштиради. Коглуметнинг иммунологик таъсири биринчи навбатда CD3+T- лимфоцитлар, CD4+T- хелперлар ва CD8+T- супрессорлар кўрсаткичларини модулловчи механизм орқали шаклланади.



Коглумет таъсирида касалликнинг ремиссия муддатлари сезиларли даражада узяди.

Коглуметнинг псориаздаги аҳамиятли кўрсаткичлари бўлиб унинг антиоксидант, регенератор фаолликлари ҳисобланади.

### КОГЛУМЕТНИНГ СТРЕПТОДЕРМИЯЛАРГА ТАЪСИРИ

Юқори даражадаги иммунстимуловчи хусусиятга эга бўлган «Коглумет» препарати ёрдамида тери қопламаларининг шатрли-патоген микроб флорасининг (стрептококлар, хусусан гемолитик стрептокок, ва стафилококлар) фаоллашуви ҳисобига келиб чиқадиган турли тери касалликларини қисқа муддатларда самарали даволаш имконияти яратилади (5 расм).



5 расм. 4 ёшли бемор. Интритригноз стрептодермия (а – даводан аввал; б - Коглумет билан ўтказилган якка тартибдаги 4 кунлик даво натижаси)


● Препарат стрептодермияларнинг ривожланиши ва клиник кечишида катта аҳамиятга эга бўлган турли омилларни, шу жумладан иммун тизимини қисқа муддатларда нормаллаштиради. Шу сабабли Коглумет қўлланганда стрептодермияларнинг тизимли давосига киритилган препаратларга (пеницилин қатори антибиотиклари, макролидлар, пробиотиклар) этиёж деярли қолмайди

● Коглумет таъсири остида иммун тизимининг узоқ муддатларга барқарорлашуви натижасида иммун тақчиллиги билан боғлиқ бўлган касалликлар ресидивининг олди олинади


### КОГЛУМЕТНИНГ ВИРУСЛАРГА ҚАРШИ ХУСУСИЯТЛАРИ

● Препарат Т- ва В-лимфоцитлар кооперациясини рағбатлантириш йўли орқали антителолар яратувчи ҳужайраларнинг жадал кўпайишига ёрдам беради (6 расм). Бунинг натижасида организмнинг турли инфекциялар, шу жумладан вируслар билан самарали курашувчанлик имконияти ортади.

● Коглуметнинг вирусларга қарши хусусияти унинг юқори интерферон (ИФ) индукцияловчи хоссаси билан ҳам белгиланади. Препарат таъсирида «эртанги» (12 соатдан кўп бўлмаган муддатда) ва давомийли интерферон синтези кузатилади ва бу Коглуметни бошқа куйимолекуляр ИФ индукторларидан сезиларли даражада ажратиб туради (7 расм).



6 расм. Коглуметни иммун жавобдаги Т- ва В- лимфоцитлар кооперациясига таъсири



7 расм. Бир мартаба қўлланилган Коглумет (яшил устун) ва Амиксиннинг (қизил устун) ИФ ҳосил бўлишига таъсир динамикаси

● Коглумет интерлейкинларни индуцирлаш механизмлар орқали В-лимфоцитларни жадал ўсиши ва дифференциациясига ижобий таъсир этади, макрофаглар ва Т-лимфоцитларни фаоллаштиради, алоҳида синф иммуноглобулинларининг ҳосил бўлишини индуцирлайди.

### КОГЛУМЕТНИ ТОРСН-ИНФЕКЦИЯДА ҚўЛЛАНИЛИШИ

Коглумет беморлар иммун тизимининг деярли барча кўрсаткичларини нормаллаштириш механизмлари орқали организмнинг вируслар ва микробларга қарши, ҳамда антипаразитар жавобини ўзаро муттаносиб бўлган равишда шакллантиради. Препаратнинг бундай хусусиятлари сурункали инфекцияларда, шу жумладан ТОРСН-инфекция давосида катта аҳамиятга эга.

### ТОКСОПЛАЗМОЗ

● Коглуметни токсоплазмоз билан хасталанган беморлар мажмуавий давосига киритилиши зардобнинг ижобийлик кўрсаткичини (специфик IgGга ўтказилган ИФА натижалари) қарийиб 2 баробар камайишига олиб келади (8, а расм). Бу эса бемор организмдаги антиген юкламасининг сезиларли даражада камайганлигини кўрсатади.

● Коглуметни ўткир токсоплазмознинг мажмуавий давосига қўшилиши антибиотик- ва химиотерапияларнинг салбий таъсирларини олдини олиш имконини беради.




## ГЕРПЕС

● Коглуметни герпесвирусли инфекцияларда қўлланилиши бемор умумий ахволининг яхшиланиши, давонинг дастлабки кунидаёқ тери-патологик жараёнларининг регрессияси, пуфакчали элементларни пўстлоқ ҳосил қилиб сўрилиши эса аксарият ҳолатларда 2 кундан кўп бўлмаслиги билан характерланади. Препарат таъсирида тўлиқ тузалиш муддати қисқа даврни ташкил этади (9 расм).

● Коглуметни герпес давосида қўлланилиши бир вақтда икки аҳамиятли масалани ҳал қилиш имконини беради:

1. Препарат таъсирида цитокинлар (интерферонлар, интерлейкинлар) ва антителолар синтезининг кучайиши ҳисобига бемор организми вирус билан самарали курашиш имкониятига эга бўлади;

2. Беморларнинг иммун кўрсаткичи қисқа муддатда давомийлик табиатига эга бўлган даражада тикланади, оқибатда касаллик рецидивларининг тез-тез келиб чиқишининг олди олинади.



8 расм. Коглуметнинг токсоплазмозда (а) ва хламидиозда (б) дастлабки 10 кун мобайнида қўлланилганда зардобнинг ижобийлик коэффициенти таъсири



9 расм. Бемор Р. Иззатой, 63 ёш. Ҳафтасидаги таъсир динамикаси (а - давогача, б - давонинг 3 кунидан, в - давонинг 5 кунидан)

## ЦИТОМЕГАЛОВИРУС

● Коглуметни ЦМВ давосида қўлланилиши бир вақтда юқори даражадаги ҳам вирусга қарши, ҳам иммунмодулловчи кўрсаткичларнинг шаклланишига олиб келади. Оқибатда касаллик асоратлари (гепатит, энцефалит ва бошқалар) келиб чиқишининг олди олинади.

● ЦМВ билан хасталанган беморлар комплекс давосига Коглуметнинг киритилиши касалликнинг клиник кечишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади - жинсий аъзолардан ажратмалар чиқишини камайтиради, қисқа муддатларда касалликка хос бўлган субъектив белгиларни йўқолишига олиб келади.

### КОГЛУМЕТНИ ХЛАМИДИОЗДА ҚўЛЛАНИЛИШИ

● Хламидиоз билан оғриган беморлар мажмуавий терапиясига Коглуметнинг қўшилиши қисқа муддатда кузатиладиган самарага олиб келади - давонинг 2-3 кунидан бошлаб пешоб ажратишда ўзини нохуш сезиш ҳолатлари, уретрадан ажратмалар чиқиши ва ачишиш аломатлари сезиларли даражада камаюди.

● Коглумет хламидиоз билан касалланган беморларнинг иммун тизимини қисқа муддатда тиклаши ҳисобига зардобнинг ижобийлик коэффициенти (специфик IgGга ўтказилган ИФА натижалари) икки мартабадан ортиқ камаюди. Оқибатда бемор организмда бўлган антиген юкласи тўлиқ йўқолади (8,6 расм).

● Коглумет организмни жадал ва самарали санациясига олиб келади: препарат қўлланилишининг биринчи 10 кундан сўнг ўтказилган 100% бактериоскопик текширувларда хламидиоз чақирувчиси аниқланмайди. Бундан ташқари, суртмалардаги (уретра, цервикс, вагина) лейкоцитлар сони 1,5 дан то 3 мартабагача камаюди ва бу давонинг юқори клиник самарасини кўрсатади.

● Коглуметни хламидиозда қўллаш натижасида бир вақтда ҳам микробга қарши, ҳам давомийли иммунстимулловчи таъсирлар юзага келади. Натижада узок муддат давом этадиган ремиссия давлари шаклланади.

● Препаратни захмга нисбатан «ёлғон ижобий» реакцияси бўлган хламидиозли беморларда қўлланилиши, бу реакциянинг тўлиқ йўқолишига олиб келади. Бунинг оқибатида захм диагнозини қўйишда аҳамиятли бўлган серологик кузатувларни ўтказишга эҳтиёж қолмайди.

### КОГЛУМЕТНИ ОИТ ВИРУСИ БИЛАН ИНФЕКЦИЯЛАНГАНЛАРДА ҚўЛЛАНИЛИШИ

● ОИТ вируси билан инфекцияланган ва ОИТС билан оғриган беморларда Коглуметни монотерапия ёки АРВТ препаратлари билан биргаликда қўлланилиши асосий касалликнинг клиник кўринишини стабиллашуви, иммунологик кўрсаткичларнинг сезиларли яхшиланиши билан давом этади, вирус юкласи камаюди (10 расм), ҳамда оппортунистик инфекция билан боғлиқ бўлган йўлдош касалликлар (гепатит, кам қонлик, TORCH-инфекция ва бошқалар) ва нохуш ҳолатларнинг жадал регрессияси кузатилади (жадвал).

● Коглумет, бошқа қуйимолекуляр интерферон индукторларидан фарқли равишда, ўз терапевтик фаоллигини ОИТС касаллигининг кечки босқичларида ҳам намоён қилади (10 расм).

● ОИТ вируси билан инфекцияланган беморларда гепатит В ва С ҳамда кам қонлик кузатилган ҳолатларда қўлланилган Коглумет юқори даражадаги гепатопротекторлик ва антинемик ҳоссаларни намоён қилади.




● Коглуметни ОИТ вируси таъсирида келиб чиққан оппортунистик касалликларда (инфекцияларда) қўлланганда кузатиладиган юқори самараси, уни иммун жавобдаги антигенлар рақобатини тўлиқ бартараф қилиши билан белгиланади (11 расм). Натижада полиантигенларнинг ҳар бир турига нисбатан самарали иммун жавоби шаклланади. Бу эса, ўз навбатида, ОИТ вируси билан инфекцияланган беморларга ҳам асосий касаллик, ҳам оппортунистик инфекциялар билан самарали курашиш имкониятини беради (жадвал).

● ОИТ вируси билан инфицирланганларда препарат қабул қилинишидаги таънафуслар Коглуметга нисбатан резистентликни келтириб чиқармайди.

Коглуметни АРВТ препаратлари билан биргаликда қўлланилиши АРВ терапияси препаратларга хос бўлган салбий таъсирларни сезиларли камайишига, зарарли таъсирларининг эса олди олинишига олиб келади.


● ОИТ вируси билан инфекцияланган ва ОИТС билан хасталанган беморлар томонидан препаратни қабул қилиниши натижасида касаллик клиник белгиларининг регрессияси жадаллашади, беморларнинг умумий ҳолати, уйқуси ва иштахаси яхшиланади, ҳаётга бўлган қизиқиши, иш қобилияти ошади ва натижада беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланади.

ОИТ вируси РНК нусхалари/мл



10 расм. Якка тартибда қўлланган Коглуметнинг вирус юкламасига таъсири (давогача – қизил устунлар, 3 ойлик даводан сўнг – ҳаворанг устунлар, 6 ойлик даводан сўнг – яшил устунлар)

ОИТ вируси билан боғлиқ касалликлар ва ҳолатлар регрессия мuddатларига Коглуметни монотерапия препарати сифатида қўллангандаги таъсири



11 расм. Коглуметни иммун жавобдаги антигенлар рақобатига таъсири

Кўрсаткичлар	Регрессия мuddатлари
Сийдик-таносил йўллари инфекцияси	1 ой давомида (100% беморларда)
Кучли интоксикация	1 ой давомида (100% беморларда)
Кўплаб фурункулар	1 ой давомида (100% беморларда)
Тез-тез келадиган ярим шаклланган нажас	1 ой давомида (100% беморларда)
Герпетик тошмалар	3 ой давомида (100% беморларда)
Аллергик тошма, қичима	3 ой давомида (100% беморларда)
Оғиз бўшлиғи афтозлари	3 ой давомида (100% беморларда)
Генерализациялашган лимфаденопатия	6 ой давомида (92,6% беморларда)
Тери ва шиллиқ қаватларини замбуруғли зарарланиши	6 ой давомида (93,7% беморларда)
Персистириловчи безгак тутиши	6 ой давомида (93,3% беморларда)
Ҳар ойда 10 кг дан ортиқ вазн йўқотиш	6 ой давомида (83,3% беморларда)
Иштаха йўқлиги, дармонсизлик	6 ой давомида (100% беморларда)

## КОГЛУМЕТНИ CORONAVIRIDAE ОИЛАСИ, ШУ ЖУМЛАДАН SARS-COV-2 БИЛАН БОҒЛИК ВИРУСЛИ КАСАЛЛИКЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

● SARS-CoV-2 билан оғриган беморларда коглуметнинг қўлланилиши лаборатор ва инструментал услуб кўрсаткичларнинг сезиларли яхшиланиши билан давом этади.

Коглумет таъсирида, короновирус инфекцияли беморларда тана хароратининг мўтадиллашуви, нафас олиш ва юрак ритмларининг номаллашуви ёки сезиларли яхшиланиши қисқа мuddатларда кузатилади. Коглумет, касалликнинг оғирлик даражасига қараб, COVID-19 билан оғриганларда вирусли пневмониянинг аққоллик даражасини сезиларли камайишига ёки регрессиясига олиб келади.

● Препарат таъсирида SARS-CoV-2 га нисбатан бўлган юқори иммун жавоби қисқа мuddатларда шаклланади.

● Коглумет COVID-19 билан оғриганларнинг умумий ҳолатини сезиларли яхшилади. Оқибатда қисқа мuddатларда уйқу ва иштахани нормаллашуви, фаолликни ортиши кузатилади. Препарат таъсирида касалликдан сўнг кузатиладиган асоратлар кескин камаяди ёки уларнинг олдини олиш имкони яратилади.

«КОГЛУМЕТ» препарати ҳақидаги тўлиқ маълумот билан компаниянинг [www.biokom.uz](http://www.biokom.uz) деб номланган сайти орқали танишишингиз мумкин.

Сайтнинг «Publikatsiy» ва «Multimedia» бўлимларида препаратнинг қатор терапевтик ҳоссалари, клиник самарадорлигига бағишланган илмий-амалий манбалар (мақолалар, йўриқномалар ва х.к.), препарат ҳақида қисқа ва батафсил видеосарҳлар келтирилган.

### ПРЕПАРАТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Препарат «А.В.-БИОКОМ»

инновацион фармацевтик компанияси томонидан яратилган  
Ўзбекистон Республикаси. 100053. Ташкент, Эзгулик кўчаси, 27 уй  
Маълумот учун телефон: (+998 90) 350-20-51